## Маслаҳатли ғап

*Биз яхши ниятли, орзу-ҳавасли халқмиз. Энг аввало, фарзандлар камолини, бахтини орзу-ният қиламиз. Шунингдек, болаларнинг қандай инсон бўлиб вояга етишиши ва турмушини қай даражада ўтказиши ота-онанинг ўзлари қандай кишилар бўлишига, қандай мураббийлик қилганликларига боғлиқлигига ҳам гувоҳмиз.*

*Олимларнинг фикрича, бирор жисмоний нуқсони бўлмаса ҳамма чақалоқлар деярли бир хилда туғилишаркан. Яхши ва ёмон хулқ асосан у улғайган муҳитдан юқади, дейишади. Шу маънода нафақат ўз фарзандларимиз, балки ўзимиз яшаётган қишлоқ, шаҳардаги болаларга ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Навоий бобомиз айтганидек:*

*Фарзанд ато қуллуғин чу одат қилғай,*
*Ул одат ила касби саодат қилғай*
*Ҳар кимки, атоға кўп риоят қилғай,*
*Ўғлидан анга бу иш сироят қилғай.*

# ФАРЗАНД ОТА-ОНА УЧУН ҲАМ МУКОФОТ, ҲАМ...

### Қаровсиз болалар кимники?

Метрога тушиб ишга келаётиб ўн-ўн икки ёшли "таниш" болаларга дуч келдим. Улар бекатлар оралиғида вагонма-вагон ўтиб садақа сўрашади. Очиғи, уларнинг жулдур кийимлари, кир-чир афти, қўрқув ва ҳадик аралаш нигоҳлари ҳар қандай кишида ачиниш билан бирга ташвиш ҳиссини уйғотади. "Нега?" деб бошланувчи саволлар гирдоби эса сизни, истасангиз-истамасангиз, бу тўғрида ўйлашга мажбур қилади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси берган маълумот: **Ўтган йилнинг тўққиз ойи мобайнида 6777 нафар шахс жиноий жавобгарликка тортилган. Уларнинг 3160 нафари (53,3 фоизи)ни 18 ёшдан 29 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади. Жами жиноий жавобгарликка тортилган шахсларнинг 10 фоизга яқинини вояга етмаганлардир.**

Тошкент шаҳрида вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятларнинг 18 фоизида республикамиз вилоятларидан келган ва аниқ яшаш жойи бўлмаган болалар иштирок этган. ***Шу давр мобайнида дайдилик ва тиланчилик билан шуғулланиб юрган, адашиб қолган, ҳуқуқбузарлик содир этган, спиртли ичимликлар ва токсик моддалар истеъмол қилган вояга етмаган 4701 нафар бола туман ички ишлар идораларига олиб келинди. Шулардан 248 нафари қиз бола. Бунинг асосий сабабларидан бири уларнинг ота-оналари ёки улар ўрнини босувчи шахсларнинг пул топиш мақсадида бошқа давлатларга чиқиб кетганлиги ва уларнинг қаровсиз қолдирганлигида.***

Хўш, бу маълумотларга шунчаки рақам сифатида қараб бўладими? Ахир халқимиз болалар тарбиясига қадимдан алоҳида эътибор билан қараб келган-ку? Бу ўринда турмуш ташвишларини баҳона қилиш ўринлими?

Ҳозирда кўпчилигимиз болам оч қолмаса бўлди, думалаб-думалаб катта бўлаверади, деган ўйда бу масалага унча эътибор бермай қўйган кўринамиз. Фақат пешонамиз деворга урилганда — бола бирор ножўя хатти-ҳаракат ёки жиноят содир этгандагина ўйланиб қоламиз.

Баъзан: "Мана бу боланинг ота-онаси туппа-тузук, обрўли одамлар. Фарзанди эса ғирт ахлоқсиз. Қилиб юрган ишини қаранг. У ўз ота-онасига номуносиб бола бўлди", деган гапларни эшитиб қоламиз. Нега шундай? Бунинг сабаблари фақат моддий жиҳатга бориб тақаладими?

### Қуш уясида кўрганини қилади

Эккан дарахтимиз бирор ҳосил берадими ёки йўқми, бу уни қандай парвариш қилишимизга боғлиқ. Шу ўринда тарбияни бола туғилмасдан бошлаш керак, деган машҳур иборада ҳеч бир муболаға йўқлигини тасдиқловчи қуйидаги воқеани келтиришни лозим топдик.

Пок, виждонли бир кишининг 4 ва 5 ёшли икки ўғли бор эди. Кичиги ростгўй, тетик ва ахлоқли бўлса, каттаси бадқовоқ ва номаъқул ишларга мойил бўлган. Ота-она ҳайрон. Битта оилада ўсган бўлса, бир хилда едириб-ичиришган. Бирор яқин қариндошида ҳам бундай феъл учрамайди.

Уни текшириб кўрган мутахассис-шифокор бунинг сабабини боланинг чақалоқлик давридан излашга ҳаракат қилади.

Узоқ савол-жавобдан сўнг маълум бўлишича, катта ўғил бир ёшга етганда онаси бетоб бўлиб қолган. Шу боис унга 6 ой давомида энага қараган экан. Энага эса ёш жувон бўлиб, болани сайр қилдириш ўрнига ҳовли орқасидаги омборхонада жазмани билан учрашиб юрган. Бола уларнинг учрашувида иштирок этган. Албатта, бир яшар болага бу нарсалар тушунарсиз бўлган. Аммо у ёлғиз қолар экан, қоп-қоронғу бурчакдан келаётган турли овозларни эшитиб мурғак кўнгли қўрқув ва ишончсизликка тўлиб бораверган. Бу кўп бора такрорланган. Энаганинг хавотирли ва ахлоқсиз хатти-ҳаракати бола онгида муҳрланиб қолган.

Биз одатда болаликни энг бахтиёр онлар деб ҳисоблаймиз. Чунки бу даврда ташвиш ва ҳадик бўлмайди, деб биламиз. Улар ҳеч нарсани тушунмайди деган фикрда кўпгина ножўя хатти-ҳаракатлар қиламиз. Аслида-чи?

Америкада жуда машҳур бўлган япониялик олим Масару Ибука бола тарбияси ҳақидаги "Уч ёшдан кейин кеч бўлади" асарида шундай ёзади:

"Боланинг ота-оналари сўкинишадиган, жанжаллашадиган бўлишса, бу ҳолатни боланинг юзидан билиб олиш мумкин. Яъни унинг юз ифодаси эзилган ва ташвишли бўлади. Сиз буни бекор гап, чақалоқ ота-онасининг ўзаро муносабатларининг барча нозик жиҳатларини тушуна олиши мумкин эмас, деб эътироз билдирарсиз. Аслида, у атрофда рўй бераётган ҳамма ўзгаришларни чуқур ҳис эта оладиган сезгир ақлга эга.

Ўз ота-онасининг ҳар кунги жанжалларини кузатиб турадиган бола билан нималар рўй беришини бир ўйлаб кўринг-а. Албатта, у бу можароларнинг моҳиятини тушунмайди, бироқ таҳқирлашлар ва адоват унинг ҳиссиётларида, бутун вужудида чуқур асорат қолдирмай қўймайди. Болангизга кўз ёки бурун шакли насл орқали ўтади, юз ифодаси эса — бу оиладаги муносабатларни акс эттириб турувчи ойнадир.

Ўсмирлар ўртасида содир этиладиган кўплаб қонунбузарликлар таҳлили бундай болалар ўз ҳаётининг дастлабки йилларини асосан муваффақиятсиз оилаларда ўтказганлигини кўрсатади".

Ҳақиқатан, биз негадир фарзандларимизда йиллар давомида тўпланиб борган салбий хусусиятлар асоратини тўртта насиҳат билан бир пасда тўғрилаб қўймоқчи бўламиз. Гапга кирмас деб хафа бўламиз, куюнамиз. Баъзан қўл хивчин ёки камаргача бориб етади. Ниҳолни қай томонга бурса, ўшандай бўй чўзишини билган ҳолда ўзимизнинг айбимизни тан олгимиз келмайди.

Самарқанддан келган ҳамкасблардан бири ташвишли оҳангда шундай деб қолди:

— Қўшнимиз икки йил бурун шаҳар марказидан квартира олиб кўчиб кетганди. Сўнг эр-хотин тижорат қилгани ўнинчида ўқийдиган қизини ёлғиз ташлаб Россияга жўнаворди. Йилига бир-икки келиб кетади. Албатта яхшигина пул ҳам жўнатиб туришади. Қизи бу борада бировдан ортиқ бўлса ортиқ, лекин кам эмас. Аммо, яқинда хунук гап эшитдим, у ёмон йўлга юриб кетганмиш. Энди буни ҳеч қандай бойлик билан тузатиб бўлмайди...

### Байрамга тенг дамлар

Ҳар биримиз улғайганимизда болаликда ота-оналаримиз бағрида ўтказган ёқимли дамларни қувонч билан, худди байрамдек эслаб юрамиз. Чунки бундай ҳолат ҳар доим ҳам бўлавермайди. Зеро, меҳр-оқибатнинг илдизи болаликдаги шундай муносабатлардан куч олади.

Эскидан бир гап бор: "Фарзанд ота-она учун ҳам мукофот, ҳам жазо». Эътибор ва эътиборсизликнинг оқибати ҳам шунга яраша бўлади.

Ота-боболардан бу каби ҳикматли гаплар мерос қолган. Асл натижа — уларга амал қилишда. Сизнинг, бизнинг — барчамизнинг болаларимиз камолини бутун бир ҳалқ, миллат фаровонлигида кўришда.

Сўз сўнгида пиру бадавлат ота-онахонлар, кўпни кўрган юртдошларимиз бу борадаги ўз фикрларини айтадилар, маслаҳатларини дариғ тутмайдилар, дея умид қиламиз.

**Рустам БОЙТЎРА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

## Ўзбекистон — умумий уйимиз



*Фарғонанинг байналмилал юрт сифатида эътироф этилишида дилбар воҳада фаолият кўрсатаётган миллий маданий марказларнинг ўз ўрни, роли бор. Бу ерда ўтказилаётган бирон бир миллий, расмий, диний маросим йўқки, корейсларнинг субҳидам садосидай майин оҳанглари, бепоён рус қайинзорларининг шивирини эслатувчи романслар, тожик лапарлари, қирғиз ўланлари янграмаса. Сўнгги йилларда улар сафига Рейн дарёсининг жўшқин мавжларидай немис куйлари, оҳанглари ҳам келиб қўшилди.*

# Фарғонада Рейнбўйи оҳанглари

Бу хайрли тадбирлар бошида эса мамлакатимиздаги «Видергебурт» немис маданий марказининг Фарғона филиали жажжи жамоаси турибди. Бундай дейишимизга асос бор. У ўз сафига 200 дан зиёд фарғоналик немисларни бирлаштирган. Жамоа кичик бўлишига қарамай, миллатнинг азалий удумлари, маданий мероcларини авайлаб-асраш, ёшларга ўргатиш, энг муҳими, кўҳна Фарғона заминида истиқомат қилаётган бошқа миллатлар орасида тарғиб-ташвиқ қилиш борасида катта ишларни амалга ошираяпти. Фикримизни бир йил мобайнида 40 дан зиёд турли маросимлар, кечалар, учрашувлар, тадбирлар ўтказилганлиги ҳам исботлаб турибди. Айниқса, маданий марказнинг умумхалқ байрами — Наврўзи ажам тантаналарига тайёрланган театрлаштирилган мусиқий томошалари кўпчилик эътиборига тушди. Шу боис ҳар йили пахта йиғим-терими арафасида ўтказиладиган «Фарғонанинг олтин кузи» номли ҳосил байрами тантаналарини ўтказиш арафасида марказ қошидаги халқ дастасига алоҳида буюртма берилади. Немис халқининг қадимий ҳосил байрами анъаналаридан олинган «Қудуқ» театрлаштирилган рақси байрамнинг олий мукофотига сазовор бўлди. Кейинчалик шу халқ ўйинини ижро этган «Гретхен» аёллар фольклор гуруҳи ушбу рақсни Тошкентда «Ўзбекистон — умумий уйимиз» фестивалида ҳам юксак маҳорат билан ижро этиб, бош соврин — аёл ҳайкали рамзи ҳамда ёрлиқлар, қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Марказдаги ишлар мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган тадбирларда ҳам назарга тушмоқда. Шунга кўра, ўтган йилнинг кеч кузида мамлакатимизда истиқомат қилаётган немис ёшларининг анъанавий «Келажак — ёшлар қўлида» мавзуидаги фестивали Фарғонада ўтказилишига ишонч билдирилди. Уч кун мобайнида Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарларидан ташриф буюрган немис ёшлари она тилларида мунозаралар ўтказишди, маърузалар ўқишди. Қадимий халқнинг азалий қўшиқлари, рақслари намойиши чинакам байналмилал тантанага айланиб кетди. Ёшлар замонамизнинг қалқиб турган муаммолари — гиёҳвандликка, чекиш ва ичкиликбозликка қарши кураш масалаларида ҳам мунозаралар ўтказишди.

Вилоят ҳаётида ўзига хос из қолдирган бу байрамни ўтказишни марказ қошида фаолият юритаётган ёшлар кенгаши тўласича ўз зиммасига олди. Бундан ташқари, кенгаш миллатдошларни немис тилини мукаммал ўрганишлари, немис фольклори анъаналари, ҳунармандчилик сирлари билан ошно этиш борасида ҳам ибрат кўрсатаяпти. Унинг тавсияси билан фарғоналик 12 нафар ёш Тошкент вилоятининг «Чимён» мажмуасида ёз ойларида фаолият кўрсатган тил академиясида она тили сирларини ўрганиб қайтди.

Фарғонада истиқомат қилаётган аксарият немисларнинг бу ерда умргузаронлик қилаётганига ярим асрдан ошди. Асосан кексаларнинг саъй-ҳаракати туфайли водийда ягона бўлган Лютеран кирхи ибодатхонаси айнан Фарғонада фаолият кўрсатаяпти. Мазкур ибодатхонада немислар Волгабўйидан мажбуран кўчирилган кунни, қамоқ лагерларида ҳалок бўлганларни, мустабид тузум қурбонларини, шу ерда қўним топган миллатдошларни хотирлаш кечаларини мунтазам ўтказиш анъанага айланиб қолди. Ёрдамга муҳтож оилалар доимо эътиборда. Соғлиғини тиклаши зарур бўлганлар эса марказ йўлланмаси билан Қозоғистоннинг Тароз шаҳридаги немис реабилитация даволаш муассасасига юборилади.

— Марказимизни сўнгги йилларда ҳеч муболағасиз вилоятдаги энг фаол жамоат ташкилотларидан бири, дейиш мумкин, — дейди марказ раиси Нина Айхвальд.— Бу кўҳна заминда миллатдошларимизнинг расм-русумлари, ибодатларини ўтказиш, меҳнат қилишлари учун барча имкониятлар яратилган. Яқинда марказ қошида бирйўла 40 кишини немис тилидаги компьютерлар дастурлари билан ўқитадиган синф ташкил этилди. Болалар ва ўсмирлар учун фаолият кўрсатаётган тўгараклар сони 10 тадан ортди.

**Набижон СОБИР,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Қиш неъматларининг қадри

*Ҳозир қиш чилласи бўлса-да, бозорларимизда помидору бодринглар сероб. Иссиқхоналарда етиштирилгани учун уларнинг қадри, албатта, баланд. Буни, айниқса, Тошкент туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги деҳқонлари чуқур ҳис этишади. Негаки, улар кечаю кундуз сидқидилдан меҳнат қилиб, пойтахт аҳолисига тонналаб қиш неъматларини етказиб бермоқдалар.*

**СУРАТДА: ширкат хўжалиги иссиқхонасининг ишчилари (чапдан) Ўғилой Бўрибоева, Марғуба Холдорова ва Ҳалима Зиёева ҳосилни йиғиштириб олмоқдалар.**

**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**



## "Халқ сўзи" назоратида

***«Яхши яшаш яхши-да! Тагингда чет эл машинаси, қўлингда "сотка" жиринглаб турса..." деб бошланганди, ёдингизда бўлса, "Ҳақимга хиёнат қилманг" (17 октябрь,2003 йил) сарлавҳали танқидий мақола. "Бунинг учун нима қилиш керак? ...аксарият тадбиркорлар ишлаб чиқаришдан кўра, осонроқ, сердаромад соҳага ўзини "уриб" кетмоқда..."***



# Мақола билан танишгач...

Мақолада шаҳримиздаги умумий овқатланиш корхоналари фаолияти, улардаги санитария ҳолати танқид қилинган эди. Мазкур мақола юзасидан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизмат кўрсатиш соҳаси ва халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш департаменти бошлиғи Р.АБДУМАЖИТОВ имзоси билан расмий жавоб олдик.

Унда таъкидланишича, *ҳақиқатан ҳам якка тартибда умумий овқатланиш маҳсулотларини уй шароитида ҳеч қандай санитария талабларига амал қилмаган ҳолда тайёрлаб, ноқонуний фаолият юритаётган тадбиркорлар кўпчиликни ташкил қилади. Бу йўналишда Ички ишлар бошқармаси, Давлат солиқ бошқармаси, Давлат санитария эпидемиология маркази ва Савдо Департаменти ходимлари томонидан биргаликда тасдиқланган режа асосида тадбирлар ўтказилмоқда. Шу билан бирга умумий овқатланиш корхона раҳбарларига ҳар бир тайёрланган таомнинг вазни ва нархи таомномада албатта кўрсатилиши ва таомнома хўрандалар кўрадиган жойга қўйилиши ҳамда ошхона ходимларининг санитария ва гигиена талабларига қатъий риоя қилиши ҳақида кўрсатмалар берилди.*

Шунингдек, мазкур мақола юзасидан таҳририятга Тошкент шаҳар Давлат санитария ва эпидемиология назорати маркази бош врачи Ш.АКРАМОВ имзоси билан ҳам расмий жавоб келди. Унда жумладан шундай дейилади:

*"Чилонзор туманининг С.Раҳимов метро бекати олдида жойлашган умумий овқатланиш, савдо корхоналарини ҳамда турли хил уй шароитида тайёрланиб, савдо қилинаётган тандир нон, қандолат маҳсулотлари, гумма ва сомса сотувчиларнинг санитария ҳолати ўрганиб чиқилди. Савдо қилаётган корхоналар раҳбарлари, хусусий тадбиркорлар ва фуқароларга аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича тегишли тавсиялар берилди. Санитария қоидаларини бузган якка меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи айрим шахсларга эса жарима солинди".*

## Фермер ташаббус кўрсатди

"Сайёд" фермер хўжалиги Сайхунобод туманидагина эмас, Сирдарё вилоятида ҳам илғор хўжаликлар сирасига киради. Яқинда фермер Сайёд Муҳаммедов ва унинг отаси Бобо Муҳаммедовлар ибратли ташаббусга қўл уришди. Улар ўзлари сотиб олган биноларнинг бирида кураш ва шахмат-шашка марказларини очишди. Ҳозирда бу ерда ўнлаб қишлоқ ёшлари мураббий Ориф Хайруллаев раҳбарлигида ўз маҳоратларини оширишмоқда.

**А. ХОНИМҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



## Янги спорт иншоотлари

Андижон спорти деганда бир қатор боксчилар, курашчилар ва жаҳонга донғи кетган бошқа спортчилар кўз олдингизга келади. Вилоятда спортга эътибор юқорилиги боис ҳам бу ерда турли спорт иншоотлари қурилаётир. Куни кеча Бўз туманидаги "Озод" ширкат хўжалигидаги стадион тўла таъмирдан чиқарилган бўлса, Хонобод шаҳри ва Хўжаобод туманларида кураш майдонлари барпо этилди. Шунингдек, шаҳарнинг Бўстон, Султон Жўра маҳаллаларида ҳам ўйингоҳ ва болалар спорти майдони қурилаётир. Ушбу иншоотлар спортсевар болаларга Наврўз байрами арафасида туҳфа этилиши режалаштирилган.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**

FREEDOM HOUSE

**Freedom House (Фридом Хаус) ҳуқуқ ҳимоячилари фаолларига Фридом Хаус Наманган Ресурс марказида ташкил этилган амалий тренинг курсини эълон қилишдан мамнун.**

Ушбу 4 ойлик курс тўртта 4 кунлик семинардан иборат бўлиб, 4 ой давомида амалга оширилади (март, апрель, май ва июнь). *Белгиланган иштирокчилардан 3 ҳафта давомида семинарларда фаол иштирок, муваффақиятли якунлаш ва якуний семинарда асосий лойиҳани ривожлантириш талаб этилади.* Ушбу курс қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади: инсон ҳуқуқлари билан танишув, ҳамжамиятни қамраб олиш ва фуқароларнинг қарорлар қабул қилишда иштироки, инсон ҳуқуқларининг ҳимояси борасида стратегия ва кўникмаларни ташкил этиш, оммавий ахборот воситалари ва нодавлат-нотижорат Ташкилотларни ривожлантириш. Ушбу курсга инсон ҳуқуқлари фаоллари, инсон ҳуқуқларига қизиқувчи шахслар, ташаббускор гуруҳ аъзолари ҳамда нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари мурожаат қилишлари қўллаб-қувватланади. Номзодлар анкеталарни тўлдириб, ФХ Тошкент ва Наманган Ресурс марказларига топширишлари талаб этилади. Номзодлар танлов асосида суҳбат орқали қабул қилинадилар. Анкеталарни ФХ Наманган Ресурс марказидан олишингиз мумкин.

**Телефонлар: (3692) 26-57-53, 26-79-41.**
**E-mail: fhintern-nam@freedomhouse.uz; rafikova@freedomhouse.uz**

***Анкеталар 6 февраль кунигача қабул қилинади.***

**«КОСОН ЁҒ-ЭКСТРАКЦИЯ» ОҲЖ** ҲИССАДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**«Косон ёғ-экстракция» ОҲЖ ҳиссадорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2004 йил, 6 февраль соат 11.00да жамиятнинг маъмурий биноси, мажлислар залида 3-қават, бўлиб ўтади.**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Жамият устав фондини ошириш тўғрисида.
2. Жамиятни ОҲЖ шаклидаги қўшма корхона сифатида қайта ташкил этиш тўғрисида.
3. Қўшма корхонанинг янги таҳрирдаги устави лойиҳасини, муҳри ва бурчак штампи намунасининг тасдиғи тўғрисидаги.
4. Кузатув кенгаши таркибини қайта сайлаш тўғрисида.
5. Кузатув кенгашининг олдинги тартибини моддий рағбатлантириш тўғрисида.
6. Корхонанинг таъсис ҳужжатларини қайта давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида.
7. Бошқа масалалар.

Кузатув кенгаши.

*XXI асрнинг учинчи йили якун топди. Янги йилнинг дастлабки кунларида босиб ўтилган йўлга қайта назар ташлаш, бажарилган ишларни сарҳисоб қилиш, улгурилмаган юмушларни ҳисобга олган ҳолда истиқбол режаларини белгилаш энг яхши анъаналаримиздан биридир.*

*2003 йил давлат акциядорлик-тижорат "Асака" банки учун ҳар жиҳатдан ривожланишга, шу жумладан, республика ҳамда халқаро молия бозорларидаги самарали фаолиятдан келадиган фойданинг ўсишига ижобий таъсир кўрсатувчи воқеаларга бой бўлди.*

## Пластик карточка:

# Энг замонавий молиявий восита

Бозорда пластик карточкалар воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш бўйича бизнес сиёсатининг жорий этилганлиги банк муваффақиятини таъминлаган омиллардан биридир. Республика Банк кенгаши томонидан тасдиқланган "2003-2004 йилларда банк тизимини ислоҳ қилишнинг навбатдаги босқичи дастури"нинг ижроси юзасидан амалга оширилган тадбирлар "Асака" банкининг карточка тизимида пластик карточкаларни маҳсулот ёки хизматлар учун тўлов воситаси сифатида қабул қилиш инфратузилмасини ҳам, карточкалардан фойдаланиб амалга ошириладиган операцияларни ҳам юксалтириш ва янада кенгайтириш имконини берди. 2003 йилда карточка тизимининг ривожланиш кўрсаткичлари ўтган тўрт йил давомидаги умумий натижалардан бир неча баравар юқори бўлганлиги шундан далолат беради. Чунончи, чиқарилган сўмли карточкалар сони икки баравар кўпайиб, шу йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, 19 мингтага етди. Корхона ва ташкилотларда иш ҳақини сўмли карточкалар воситасида тўлаш бўйича банк томонидан жорий этилган лойиҳалар эса 7 баравар кўпайди. Бугунги кунда "Асака" банки томонидан нафақат Тошкент шаҳрида, балки республикамиз вилоятларида ҳам 271 та иш ҳақи лойиҳаси жорий этилган. Тошкент ва Бухоро шаҳарларидаги Марказий банк бўлинмалари, Асака шаҳридаги "ЎзДЭУавто", Самарқанд шаҳридаги "СамКочавто" қўшма корхоналари, "Пулсар" концерни, Муборакдаги газни қайта ишлаш ва Фарғона шаҳридаги нефтни қайта ишлаш заводларида иш ҳақи тўлаш бўйича жорий этилган янгиликлар ана шундай лойиҳаларнинг энг йирикларидан ҳисобланади.

2003 йилда тўлов учун пластик карточкаларни қабул қилувчи савдо-сервис корхоналари тармоғи 1999-2002 йиллардагига нисбатан 2 баравар кенгайиб, 45 тага етди. Шулардан бири — пойтахт метрополитенидир. Мавжуд 29 та станциянинг ҳаммасида ўрнатилган тўлов мажмуалари йўл ҳақини карточка воситасида тўлаш имконини беради. Ушбу лойиҳанинг амалга оширилиши банкнинг 2003 йилда эришган энг муҳим ютуқларидан бири, дейиш мумкин. "MIR" супермаркети, "Кредит Азия" дўкони, "Лавандерия"кимёвий тозалаш корхонаси(Тошкент ш.), "Савдо-харид бўлими" универсал бозори (Қарши ш.), шунингдек, Самарқанд ва Бухоро шаҳарларидаги озиқ-овқат дўконларида ҳам ана шундай янгича усул қўлланилмоқда.

Пировардида 2003 йилда сўмли пластик карточкалар воситасида амалга оширилган тўлов операциялари 1999-2002 йиллардагига нисбатан 20 баравар кўпайиб, 500 миллион сўмга етди.Шунинг ўзи банкнинг карточка тизими ғоят жадал суръатларда ўсиб бораётганлигини кўрсатади. Бунда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 2 июлдаги "Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 30 июндаги Фармонини ижро этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қарорда савдо ва умумий овқатланиш корхоналари учун пластик карточкалар воситасида амалга оширилган товар айланиши ҳажмидан тушувчи ялпи даромаддан солиқ тўлаш борасида имтиёз белгиланган.

Пластик карточка эгалари ўз тажрибаларидан келиб чиқиб, ушбу нақд пулсиз тўлов усули ҳар жиҳатдан қулай ва афзал эканлигига тобора чуқурроқ ишонч ҳосил қилмоқдалар. 1999-2002 йилларда "Асака" банки карточкалари бўйича нақд пулсиз операцияларнинг ўртача суммаси 300 сўмни ташкил этди. Бугунги кунда у 12 баравар ўсиб, қарийб 3600 сўмга етди. Ушбу рақамлар банкнинг пластик карточкалари ўз вазифасини муваффақиятли бажараётгани, улар тобора замонавийлашиб, янада қулай бўлиб бораётганини англатади. Чунки ундан фақат эгасининг ўзи фойдалана олади. Энг муҳими эса, у маҳсулот ва кўрсатилган хизматлар учун ҳисоб-китоб қилишда нақд пул ўрнини босади.

"Асака" банки, умуман, 1999-2003 йиллар давомида маҳсулот ёки хизматлар учун пластик карточкалар воситасида жами 517 млн.сўмлик тўлов операциялари амалга оширди.




Шу муддатда тўлов учун банкнинг пластик карточкаларини қабул қилган савдо ва сервис корхоналари сони 45 тага етди.




Пластик карточкалар воситасидаги нақд пулсиз операцияларнинг ўсиши, қолаверса, ушбу тизимнинг ривожланиб бораётганлиги нақд пул маблағлари топиш операцияларининг ривожига ижобий таъсир кўрсатмоқда. 2003 йилда нақд пул бериш операциялари бўйича айланмалар 1999-2002 йиллардагига нисбатан 2 баравар кўпайди. Бошқача қилиб айтганда, "Асака" банки пластик карточкалари эгаларининг маҳсулотларни карточка воситасида сотиб олишга сарфлаётган пул маблағлари банк кассаси ёки банкоматдан олинган маблағларга нисбатан ўсиб бормоқда. Шунга қарамай, ўтган йили банкнинг банкоматлари сони анча кўпайиб, бугунги кунда 18 тани ташкил этмоқда.

Ғарб мамлакатларида карточка тизимининг 40 йилдан зиёд ривожланиш тажрибаси (Европа ва АҚШда дастлабки пластик карточкалар ўтган асрнинг 60-йилларида пайдо бўлган) "Асака" банки танлаган йўлнинг тўғри эканлигини тасдиқламоқда. Дарҳақиқат, тизимнинг тараққиёт кўрсаткичлари, яъни муомаладаги карточкалар ва уларни қабул қиладиган савдо ташкилотлари сони, маҳсулот ёки кўрсатилган хизматлар учун тўлов операциялари айланмаси бир-бири билан узвий боғлиқ бўлиб, улар бир-бирисиз ривожлана олмайди. Шунингдек, карточка лойиҳаларининг ўзини қоплаши масаласи ҳам тизимнинг кўлами ва бозорнинг қамровига боғлиқдир. Шу боис банк 2004 йилда пластик карточкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш тизимини, жумладан, муомаладаги карточкаларни 40 мингтага етказиш, карточкаларни тўлов воситаси сифатида қабул қилиш инфратузилмасини янада кенгайтиришни мўлжалламоқда. Карточка эгаларига кўрсатиладиган хизмат доираси ҳам кенгайтирилади. Банк, Тошкент шаҳридагидек, республиканинг бошқа вилоятларида ҳам коммунал тўловларни тўлаш тизимини жорий этишни режалаштирмоқда. Негаки, бунда турли хил тўловлар амалга ошириладди: нақд пул билан ҳисоб-китоб, ихтисослаштирилган жамғармалардан, шу жумладан, сўмли карточкалар воситасида пул ўтказиш, коммунал хизматлар ҳақини тўлаш қулайлашиб тезлашади.

"Асака" банки пластик карточкалари орқали ҳисоб-китоб қилиш тизимининг янада ривожланишининг омиллари кўп. Шулардан энг асосийси республика ҳукумати ва Марказий банки томонидан пластик карточкалар тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилаётганидир. Бундан ташқари, банкнинг карточкалар бозорида аниқ мақсадга қаратилган изчил фаолияти ҳам муҳим омил бўлмоқда. Қолаверса, карточка эгалари ҳам ўз пулларини электрон кўринишда мужассамлаштирган бир парча пластика фақат нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш усули бўлиб қолмай, балки энг замонавий молиявий восита эканлигини тушуна бошладилар. У бутун дунёда тан олинган бўлиб, бир томондан, карточка эгалари даромадини кўпайтирса, иккинчи томондан, пул маблағларини давлатимизнинг ғазнасига жалб этишга ёрдам беради.

**«АСАКА» банки матбуот хизмати.**

### *Миллий дастур ниҳоллари*

*Эҳтимол, кимлардир уларни умумий бир ном билан «Қарши педагогика ижтимоий-иқтисодиёт коллежи талабалари» деб атар. Балки, шунчаки ёшлар, деб қўя қолар. Мен уларнинг ҳар биттасини танийман. Мана бу «Ҳуқуқшунослик» бўлими талабаси Фаррухжон Шукуров... Андижонда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт мусобақаларида олтин медаль олиб, вилоятимиз шарафини ҳимоя қилган талабамиз — теннисчи. Мана буниси эса «ДАН» гуруҳи талабаси Бахтиёр Умаров — курашчи. У ҳам ана шу мусобақада бизни олтин медаль билан қувонтирди.*

# Умид остонаси

Биз уларнинг бўй-бастлари, ўзларини сипо, жиддий тутишларига суюнамиз. Ахир, улар кечагина коллежимиз остонасидан кириб келганларида атрофга бироз ҳадик билан қарашарди. Овозлари, нигоҳларида журъатсизлик бор эди.



— Коллежни тугатиб, бир, икки йил ишлайман. Тажриба орттириб, Тошкент темир йўллари муҳандислари институтига ҳаракат қиламан.

— Хусусий боғчада ишламоқчиман. Сиртдан ўқийман.

— Ҳозир нима кўп, фермер хўжалиги кўп. Ҳисобчи бўлиб иш бошласам, у ёғини ўйлаб кўраман...

Албатта, талабаларимизнинг бу мақсадлари осонлик билан амалга ошмайди. Қанча ирода, сабр-бардош, меҳнат керак. Аммо, муҳими, улар мақсадсиз эмас, мана, коллежни тугатдим, энди қайга бошимни урсам экан, деб довдираётганлари йўқ. Улар ҳаётда ўз ўрнини топиши учун курашга тайёр. Уларнинг кўпчилиги дарсдан сўнг спорт машғулотларига қатнашишади. Рашид Усмонов, Акбар Холбўтаев, Музаффар Нуралиев каби тажрибали мураббийларимиз талабаларни мусобақага тайёрлашди.

Ҳеч қанча вақт ўтмади. Янги бўлимларимизга талабгорлар кўпайди. Институтлардан фан номзодлиги унвони бор устозлар дарс беришни ихтиёр этиб, танловда қатнашишди. Эндиликда битирувчиларимиз камолини кўриб, кўнглимиз тоғдай кўтарилмоқда. Энг муҳими, жойларда уларга 10-11-синфни битирган ёшлардек муносабатда бўлишаётгани йўқ. Уларга касб эгаси, Президент эътиборидаги ёш деб қарашмоқда.

Болаларга ҳам, ўзимизга ҳам энг катта қувонч берган куч бу ўқишнинг жиддийлиги. Биз умумий фанлар, ўз соҳасига тегишли фанлар, деб ажратмаймиз. Талабаларимиз она тили, адабиётни ҳам, ҳуқуқ ёки йўл ҳаракати қоидаларини ҳам жиддий ўқишади. Айниқса, «ДАН» бўлими талабаларига маънавият дарс сифатида ўтилади. Ахир, қачонгача уларнинг қўполлиги, таъмагирлигидан нолиймиз? Ёш «ДАН»чилар мустақил Ватан йўл кузатувчиси деган номни оқлаши керак-ку!

Коллежимиздаги барча тадбирларни бир мақсадга қаратамиз. У бирор касбни эгаллаш билан бирга фуқаро сифатида шакллансин!

2003 йилда Жиззах шаҳрида бўлиб ўтган коллеж, лицей талабалари ўртасидаги кўрик-танловда коллежимизнинг «Зиё» дастаси учинчи ўринни олди. Зебо Боқиева, Гулшан Фармонова каби қизларимизнинг чиқишлари ҳақиқий санъат томошасига айланди.

Шаҳрисабз консерва заводи, Қарши ва Косон ёғ-экстракт заводлари, Шўртангаз мажмуаси раҳбарлари бизга ҳомийлик қилишди. Ҳозир биров бировга бекорга ёрдам қўлини чўзмайди. Коллежимизга, битирувчиларимизга ишонч бўлгач, бирор ишни уддалашимизга кўзлари етгач, қўллаб-қувватлашади, албатта. Мен коллежимиздаги ҳам жонкуяр устоз, ҳам бир тиришқоқ талабани кўз олдимга келтирар эканман, бу ўқув даргоҳи умид остонаси, келажакка солинган ёруғ сўқмоқ, дегим келади.

**Бўритош НОСИРОВА,**
**Қарши педагогика, ижтимоий-иқтисодиёт коллежи ўқитувчиси.**

***Янги йил бошида бажарилган ишлар сарҳисоб қилинади, янги режалар тузилиб, уни амалга оширишга киришилади. Мамлакатимиз тезкор алоқа тизимининг қалдирғочи, 12 йилдан буён республика аҳолиси ва унинг меҳмонларини тезкор алоқа воситаси билан таъминлаб келаётган «Ўздунробита» компанияси учун ўтган йил, айниқса, самарали бўлди. Ана шу бир йил давомида бутун ҳудудда GSM андозасидаги замонавий алоқа тизими рекорд суръатларда кенг қулоч ёйди. Шу билан бирга, D-AMPS андозасидаги замонавий алоқа тармоғидан ҳам фаол фойдаланилди.***

***GSM андозаси ўз навбатида компания абонентларига халқаро роуминг (чет элларга сафар чоғида «Ўздунробита» компаниясининг GSM тармоғи хизматидан фойдаланиш), овозли ва факсимил VFMS, SMS почтаси (қисқа матнли хабарларни жўнатиш ва қабул қилиш), маълумотларни узатиш (телефондан модем сифатида фойдаланиш), тезкор пейжинг каби бошқа бир қатор қўшимча замонавий хизматлардан фойдаланиш имконини берди.***

# «Ўздунробита» изчил тараққиёт йўлида

Компаниянинг бундай катта ютуқларга эришгани тасодифий эмас. Пухта ўйлаб амалга оширилаётган маркетинг сиёсати гуркураб ривожланиш учун кенг йўл очмоқда. Асбоб-ускуналар жаҳоннинг коммуникация соҳасидаги етакчи компаниялари томонидан етказиб берилди. Айнан мана шундай стратегия энг замонавий ускуналарни қисқа муддатларда ўрнатиш ва республиканинг барча вилоятларини GSM андозасидаги сифатли ва ишончли тезкор алоқа билан қамраб олиш имконини берди.

Янги технологиялар шарофати туфайли жаҳон телекоммуникация майдонига чиқилди. Натижада компания абонентлари учун 22 та мамлакат — Озарбойжон, Арманистон, Беларусь, Болгария, Венгрия, Голландия, Греция, Грузия, Исроил, Ҳиндистон, Испания, Қозоғистон, Қирғизистон, Латвия, Молдова, Польша, Россия, Туркия, Украина, Чехия ва Швейцарияда халқаро роуминг хизматидан фойдаланиш имконияти туғилди. Ушбу мамлакатларнинг уяли алоқа компаниялари абонентлари билан халқаро SMS айирбошлаш мумкин бўлди. Бу эса мулоқотлар давомида маблағларни тежаш имконини яратди.

Келинг, 2003 йилда ойма-ой эришилган ютуқлар ҳақида кенгроқ тўхталиб ўтайлик.

**Январь**

2003 йилда биринчи марта тарифлар арзонлаштирилди. «Пресстиж» ставкаси (чекланмаган эфир вақти режаси) 99 долларгача қисқартирилди. Шунингдек, «Ўздунробита GSM» тармоғининг абонентлари ўртасида кириш қўнғироқлари бепул бўлди.

Тошкент, Самарқанд, Ургут, Каттақўрғон, Урганч, Хива, Нукус, Чирчиқ шаҳарлари, шунингдек, Чорвоқ, Белдирсой дам олиш масканларидан сўнг Тошкент вилоятининг муҳим саноат марказларидан бири Янгийўл шаҳри ҳам GSM тармоғига уланди.

D-AMPS тармоғида республика бўйича ягона рўйхатга олиш тармоғи эълон қилинди. Ягона рўйхатга олиш зонаси эълон қилингач, бутун республика бўйлаб сафарлар давомида ягона тариф режалари амал қила бошлади.

**Февраль**

Олмалиқ ва Ангрен шаҳарларида янги GSM тармоғи кенг қулоч ёйди. D-AMPS андозасининг «Деловой» ва «Минимальный» режаларида шанба ва якшанбада бепул эфир вақтини берадиган «Плюс» хизмати қўлланила бошлади.

GSM тармоғида янги хизмат — «маълумотларни узатиш» (уяли телефондан модем сифатида фойдаланиш) пайдо бўлди.

**Март**

«Уздунробита» қўшма корхонасининг иккита тармоғи 70.000 мингдан зиёд абонентга хизмат кўрсатди. Тармоққа уланиш учун тўланадиган тариф икки баравар арзонлашди, шу билан бирга, олдиндан тўланадиган энг кам ҳақ 25 доллар бўлди. Қайта уланиш, номер танлаш, номер алмаштириш, шартномани қайта расмийлаштириш каби хизматлар учун арзонлаштирилган тарифлар жорий этилди.

Тошкент вилоятининг Қибрай шаҳрида GSM тармоғи ишлай бошлади.

**Апрель**

GSM тармоғи фаолияти кенгая бориб, Гулистон, Жиззах, Термиз, Денов, Жарқўрғон шаҳарларини қамраб олди. D-AMPS ва GSM тармоқлари бирлаштирилиб, ҳар икки тармоқ абонентлари ўртасидаги кириш қўнғироқлари бепул бўлди.

SIM-карта «PLUS» ушбу ойдаги янгиликдир. «PLUS» телефонда қўшимча меню бўлиб, унинг ёрдамида тўғридан-тўғри телефон орқали ҳисоб рақами ва баланснинг аҳволи, об-ҳаво, валюта курси, гороскоп ҳамда шошилинч хизматларнинг телефон рақамларини билиб олиш мумкин.

**Май**

Абонентларнинг умумий сони 80.000 кишидан ошди. Ўзбекистон бўйича барча шаҳарлараро қўнғироқлар маҳаллий тарзда тарифлана бошланади. «Пресстиж» режаси даражаси янада пасайтирилди — абонентлик тўлови ойига 85 долларга тушди.

Россиянинг «МТС» ва «Мегофон» компаниялари абонентлари билан халқаро SMS хабарлари алмашуви бошланди.

**Июнь**

Компания абонентлари халқаро роуминг хизматидан фойдаланиш имкониятига эга бўлдилар. «Ўздунробита GSM» тармоғи абонентлари учун «Cellcom» (Исроил), «Би-лайн», «МТС», «Мегофон» (Россия), «K-cell» (Қозоғистон), «ORANGE» (Швейцария), «Telsim» ва «Turkcell» (Туркия) ўз эшикларини биринчи бўлиб очиб берди.

SIM-карта дастурлаштириш нархи икки баравар арзонлаштирилди.

«Ўздунробита» компанияси «Бутун жаҳон сифат қўмитаси» (Франция, Париж)нинг нуфузли халқаро мукофотини олди.

GSM компанияси харитасидан янги номлар — Андижон, Асака, Ғазалкент шаҳарлари пайдо бўлди.

**Июль**

Компания хизматидан фойдаланаётган кишилар сони 100.000 дан ошди.

Наманган, Шаҳрисабз, Тўрткўл, Хўжайли, шунингдек, Андижон ва Хоразм вилоятларининг Шаҳрихон, Қўрғонтепа, Боғишамол, Хонобод, Хўжаобод, Охунбобоев, Гурлан, Шовот, Қўшкўпир, Хонқа, Боғот, Янгиариқ шаҳарлари ҳисобига GSM тармоғи янада кенгайди.

Яна бешта — «PrimTelefon» (Россия, Владивосток), «VoxTel» (Молдова), «Vodafone» (Греция), «Нижегород уяли компанияси» (Россия), «GeoCell» (Грузия) компаниялари билан SMS халқаро айирбошлаш имконияти яратилди.

«PLUS» SIM-картасини дастурлаштириш тарифи анча арзонлашди.

**Август**

«Ўздунробита GSM» тармоғидан фойдаланувчилар сафига Фарғона, Қува, Марғилон, Қувасой, Қиргули шаҳарлари қўшилди.

Ўзбекистонда биринчи марта «тезкор пейжинг» хизмати кўрсатила бошланди. «Радио-пейж» ва «TuronLink» пейжинг компаниялари абонентларига уяли телефон орқали хабарлар жўнатиш, шунингдек, ушбу компанияларнинг операторлари ёрдамида хабарларни қабул қилиш имконияти туғилди.

Бизнинг абонентларимизни қабул қилишга тайёр бўлган компаниялар сафи ҳам кенгайди. Улар орасида «VoxTel» (Молдова), «Билайн» ва «Мегофон» (Россия) компаниялари бор. «Bakcel» (Озарбойжон), «MTS» (Беларусь), «T-mobile» (Чехия), «KyivStar» (Украина), ва «CenterTel» (Польша) компаниялари абонентларига SMS жўнатиш мумкин бўлиб қолди.

SMS жўнатиш бўйича «Ўздунробита» қўшма корхонасининг янги сайти — sms.uzdunrobita.uz жойлаштирилди. Хабарларни жўнатиш бепул қилинди.

**Сентябрь**

Наманган ва Фарғона вилоятларининг Тўрақўрғон, Ҳаққулобод, Водил, Поп, Жумашўй шаҳарлари ҳам GSM тармоғига қўшилди.

Тарифлар яна арзонлаштирилди. GSM андозасида халқаро роуминг хизматига уланиш 10 долларга тушди. Бу олдингисига нисбатан уч баравар арзондир.

«KyivStar»(Украина), «T-mobile» (Чехия) ва «Globul» (Болгария) компанияларининг халқаро роуминг хизмати очилди. «Pannon», «Vodafone» (Венгрия), «Azercell» (Озарбойжон), «ArmenTel» (Арманистон), «LMT» (Латвия), «ERA» (Польша), «TIM» (Италия), «Swisscom» (Швейцария), «UMC» (Украина), «Orange» (Аихтенштейн) компаниялари абонентлари билан халқаро SMS алмашуви имконияти яратилди.

**Октябрь**

Компания абонентлари учун яна бир янгилик — чиқиш қўнғироқларини «Thuraya», «Inmarsat» ва «Inidium» сунъий йўлдош операторлари йўналиши бўйича амалга оширишга киришилди.

Чуст, Қоракўл, Жума, Қорачўққи, Янгиқўрғон, Учқўрғон, Қўқон, Булунғур, Ромитон шаҳарларида GSM тармоғи янги ускуналари монтажи тугатилиб, ишга туширилди.

**Ноябрь**

GSM тармоғи Шеробод, Корахитой, Шўрчи, Когон, Қоровулбозор, Олтиариқ, Риштон шаҳарларига ёйилди.

Тармоққа уланиш ва халқаро роуминг хизматидан фойдаланиш учун олдиндан тўланадиган энг кам ҳақ 200 долларгача арзонлашди.

«PTC» (Польша), «Swisscom» (Швейцария), «Azercell» (Озарбойжон), «UMC» (Украина), «Pannon GSM» (Венгрия) компаниялари билан ҳамкорликда халқаро роуминг хизмати очилди. «Ермак» (Россия), «Starts» (Россия) ва «T-mobile» (Голландия) компаниялари абонентларига SMS жўнатиш имкони яратилди.

**Декабрь**

Косон, Муборак, Ғузор, Янгиработ, Қизилтепа, Оқтош, Яккабоғ шаҳарлари GSM тармоғига уланди.

Ва, ниҳоят, «Smarts» (Россия), «T-mobile» (Голландия), «Magticom» (Грузия) ва «Armentel» (Арманистон) компаниялари тармоғида роуминг хизмати очилгани ўтган йилнинг энг сўнги янгилиги бўлди.

Шундай қилиб, «Ўздунробита» компанияси фақат бир йил ичида республиканинг барча вилоятларини янги GSM тармоғи билан қамраб олди ва 1000дан зиёд шаҳар ва шаҳарчаларни тезкор алоқа билан таъминлади. Ўзлари учун энг мақбул нарх ва сифатли алоқа воситасини танлаб олган абонентлар сонининг кўпайганлиги ҳам янги GSM тармоғининг машҳурлигидан далолатдир. Йил охирига келиб, компаниянинг ҳар икки тармоғи абонентлари 155.000 кишидан ошди.

Қувончли воқеаларга бой бўлган 2003 йил якунида «Ўздунробита» компаниясининг Наполеон олтин медали билан мукофотлангани ҳақидаги ҳушхабар эса нур устига аъло нур бўлди. Ушбу олтин медаль компания корхона ва ташкилотларининг самарали фаолияти, ички ва ташқи бозорлардаги нуфузи, маҳсулотлари ва хизматлари сифати эътироф этилганлигининг яна бир ёрқин далилидир.

2003 йил, айниқса, «Ўздунробита» тарихида GSM тармоғи изчил кенгайиб борган, янги-янги хизмат турлари жорий этилган йил сифатида ўчмас из қолдирди. Компания жамоаси жорий йилда ҳам ўз абонентларини GSM тармоғини янада кенгайтириш ва энг замонавий қўшимча хизматларни жорий этиш ва албатта аъло даражадаги хизмат билан хушнуд этиш ниятидадир.

**Анатолий ЕРШОВ.**

## Кўрик-танлов бошланди

"Экосан" Халқаро экология ва саломатлик жамғармаси Меҳр ва мурувват йилида "Қўшни-қўшнига" шиори остида йил давомида мурувват кунларини ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Куни кеча "Экосан" Халқаро жамғармаси, Ўзбекистон мусулмонлари идораси, Ўзтелерадио-компанияси ҳамкорлигида "Энг мурувватли қўшни" Республика кўрик-танловини ўтказиш бўйича ташкилий қўмита аъзоларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Икки босқичдан иборат ушбу танлов ғолиблари йил якунида аниқланади. Ёрдамга муҳтож оилаларга, ёлғиз қарияларга, умуман маҳалладошларга моддий ва маънавий кўмак берган тадбиркорларни ва мурувватли қўшниларни тақдирлаш кўзда тутилган.

**Шоира БОЙМУРОДОВА,**
**"Халқ сўзи "мухбири.**

TRAST TA'MINOT
ФОСФОХИМ
закрытое акционерное общество
AZMOL
реализует со склада в Ташкенте
**СМАЗКИ**
(пр-ва России, Украины)
- Смазка 1-13
- Графит. жир.
- Технологич.СВ-1
- Прессолидол Ж
- Графит. Термост. «ГТШ»
- Графит. электропров. ж/д. «КЖ»
- Графит. для горяч. пресс. «ТСГ-7»
- Циатим-201, 202, 203, 205, 208, 221.
- Литол-24
- ШРУС-4
- ЖРО
- ЛЗ- ЦНИИ
- Фиол-1
- Фиол-2
- ИП-1 л/з
- Солидол Ж
- Смазка 158

Упаковка: 1л.: 25 л.: 200л.

**ФРИКЦИОННЫЕ ИЗДЕЛИЯ**
ДЛЯ ГРУЗОВОГО И ПАССАЖИРСКОГО ТРАНСПОРТА:
НАКЛАДКИ ДЛЯ ДИСКОВ СЦЕПЛЕНИЯ,
НАКЛАДКИ ТОРМОЗНЫЕ,
ПАРОНИТ ПОН-Б, ПМБ толщ. 0,8 ÷ 4 мм.
ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН
Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

# «Қаҳрамонларимни томоша қилишдан қўрқаман»

— дейди актриса Доно Бобохонова

***Сиз ҳаётда унинг ўзи билан шахсан учрашмаган бўлишингиз мумкин. Шунга қарамасдан уни жуда яхши танийсиз. Вақт топиб театрга туша олмасангиз-да, телевидение орқали хонадонингизга ташриф буюришини орзиқиб кутасиз. Унинг бировникига ўхшамайдиган овози, бир пайтнинг ўзида турли маъноларни англатувчи илмоқли гап-сўзлари ва хатти-ҳаракатлари уйингизга ҳам, қалбингизга ҳам қувончу самимият олиб киради. Ўша кун ҳаётингиздаги унутилмас лаҳзаларга айланади. Ана у, жилмайганича ўғирлан-ган қизининг ўрнига сандиқдан чиқиб келмоқда. Танидингиз-а. Буни табассумга мойил юз-кўзингиз айтиб турибди. Шундай қилиб бугунги меҳмонимиз ва суҳбатдошимиз Аброр Ҳидоятов номли драма театри актрисаси, республикада хизмат кўрсатган артист Доно Бобохонова.***

**—Доно опа, назаримда одам улғайгани сайин болаликдаги фазилатларидан, самимиятдан узоқлаша боради. Сизда эса аксинча. Шунинг учун суҳбатимизни болалик фаслингизни хотирлашдан бошласак нима дейсиз?**

—Болалик баҳорга ўхшайди. Ташвишларини қувонч, тиканларини гул деб қабул қилади одам. Отам Сталин қатағонининг қурбони бўлган. Онам аёл боши билан олти нафар фарзандини оқ ювиб, оқ таради. Ҳаммамиз олий маълумотли бўлишимиз учун фаррошлик ҳам қилган. Мен оиланинг кенжатойи эдим. Онамга қўшилиб опаларим, акаларим ҳам эркалатиб олиб юришарди. Шунданми, ҳамма мени яхши кўриши ва севишига ўрганиб қолганман.

Санъатга бениҳоя қизиқардим. Мактабдаги бирорта тадбир менсиз ўтмасди. Қўшиқ айтардим, рақсга тушардим. Бир муддат балет тўгарагига қатнашдим, рақс маликаси Мукаррама Турғунбоева имтиҳонидан ўтиб, "Баҳор" халқ ашула ва рақс дастасида ишладим. Лекин санъаткор бўлиш хаёлимга ҳам келмаган. Ўрта мактабни тугатганимдан сўнг Ўзбекистон, ҳозирги миллий университетнинг чет тиллар факультетида инглиз тили бўлимида ўқий бошладим. Биринчи қишки сессияни фақат «аъло» баҳоларга топширганман. Қишки таътил пайтида ўртоғим Раҳимахон ўқийдиган Санъат институтига бордим. Улар тинимсиз машқлар ўтказишарди. Театрлаштирилган томошаларни кўриб ўтириб, негадир шу жой менинг жойим экан деб ўйладим. Ўқитувчилар ҳам агар хоҳласанг, иккинчи семестрдан бизда ўқийверишинг мумкин деб хайрихоҳлик билдиришгач, университет билан тамоман хайр-хўшлашганман.

Актёрнинг актёр бўлишига унинг теварак атрофидаги одамлар ҳам сабабчи бўлади. Раҳматли устозим Омон Абдураззоқовнинг менга жуда катта меҳнати синган. Хуллас, иккинчи курсдалигимда Аброр Ҳидоятов номли драма театрига ишга таклиф қилишди. Мен билан гаплашиб кўрган режиссёр Эргаш Масафоевнинг фиғони фалакка чиқди: иккита ўзбекча сўзни эплаб гапиролмайсану қанақасига ўқийсан, ҳайронман. Энг муҳими, қандай ишлайсан?

**— Ростдан ҳам, қандай ишлаб кетдингиз? Ахир актёрликда сўз санъати билан талаффуз биринчи ўринда туради-ку.**

— Театр жамоаси билан режиссёри ёрдам бермаганида ишни бутунлай ташлаб кетишим турган гап эди. Аввало, Эргаш ака бурнимни ерга ишқаб ишлатди. Баъзан унинг "зуғум"ларидан додлаб юборай дердим. Толиқиш, тиним, чарчаш ни-малигини билмайдиган бу одам ўзига ҳам, актёрларга ҳам ниҳоятда талабчанлик билан ёндошарди. Битта сўзни бир соатлаб такрорлаган вақтларим кўп бўлган. Айниқса, керакли сўзга урғу бериб, талаффуз қилишим анча оғир кечарди. Машқ орасидаги бир зумлик дам олиш пайтида йиғлаб-йиғлаб олардим. Тўғон Режаматов, Исамат Эргашев, Ҳасан Йўлдошев каби санъаткорлар кўнглимни кўтарар, бу эса менга ишонч бағишларди. Хуллас, туртилиб-суртилиб анча йўлга тушиб қолдим. Шу орада "Учинчи орзу" спектаклида Вера ролини ўйнаб, бир қадар муваффақият қозондим. Сўнг "Отасининг қизи"даги она — Ҳакимани ижро этдим. Яна "Гуноҳкор авлиё"да ёш қизча, "Ассалому алайкум"да салбий совчи — Донато, "Сўнаётган юлдузлар"да Анушка, "Чеча"да Ҳакима роллари билан чиқдим. Ушбу роллар умримнинг, ҳаётимнинг бир парчасига айланиб қолган десам янглишмаган бўламан. "Сўнаётган юлдузлар"даги Анушкани ўйнаш учун ойлаб темир йўл вокзалига қатнаб, у ердаги пиянииста аёллар хатти-ҳаракатини, гап-сўзларини кузатганман.

**— Нима деб ўйлайсиз, телевидениедаги ролларингиз театрдаги фаолиятингизни босиб кетмаяптими?**



— Ҳар иккови ҳам ўз томошабинига эга. Театрда тирик актёр, жонли муҳит ва томошабин билан мулоқот қилиш имконияти бор. Телевидениенинг имконияти беқиёс. Мени томошабинга асосан телевидение танитди. "Бозор кўрмаган йигит" видеофильми кутилмаганда шуҳрат олиб келди. Унда қизнинг онаси бўлиб ўйнаганман. Бошида шу ролга ҳеч "исимадим". Сабаби у театрдаги ролим — "Отасининг қизи"даги Ҳакимага жуда ўхшаш эди. Битта ролни икки марта такрорламайман, дедим. Режиссёр ҳам мендан баттар қайсар экан. Ўйнайсан, тамом-вассалом, деб туриб олди. У, яхшиям, шундай қилган экан, мен яхшиям, шу ролни ўйнаган эканман. Яхши режиссёр актёрни юзага чиқаради. Мен ўзим билан ишлаган режиссёрларнинг ҳар биридан, ҳеч бўлмаганда биттадан нарса ўрганганман. Масалан, "Гап йўқ" кўрсатуви режиссёри Тўхтамурод Мирзараҳимовнинг иш услуби менга жуда ёқади. У ечимни ҳамиша актёр ёки актрисанинг ўзига қолдиради. Бир қолипда ижод қилишни сира ёқтирмайди. Бу эса санъаткорнинг мустақиллигини, ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди.

**— Видеофильм туфайли машҳур бўлиб кетганингиз учун шундай деяпсизми? Умуман, шон-шуҳрат масаласига қандай қарайсиз? У санъаткорга албатта керакми? Камтарлик-чи?**

— Шуҳрат мавжуд нарса. Шунинг учун ҳам керак. Мавжуд бўлмаганида керак бўлмасди. Бу саволингизга файласуфона жавобим. Тўпори жавоб шулки, шон-шуҳрат ҳам ўз ўрнида керак. Боз устига у ҳақиқий эгасини топса нур устига аъло нур бўлади. Шуҳрат санъаткорни илҳомлантиради, кайфиятини кўтаради, меҳнатини эл эътироф этганидан хабардор қилади. Менимча, у барча касб эгаларига ҳам шундай ижобий таъсир кўрсатади. Шу пайтгача ундан юз ўгирган одамни кўрган эмасман.

Камтарлик умрни безайди, одамни бообрў қилади. Шуни ишонч билан айтаманки, театримиз ижодкорлари манманлик ва кибордан йироқ юрадилар.

**— Бугун халққа танилган бир актриса сифатида театр санъатининг қай томонлари сизни ташвишга солади?**

— Драматурглар кам. Режиссура саёз. Ҳақиқий режиссёрлар саноқли. Кино, театр томошабин ортидан кетмаслиги, кулги арзон бўлмаслиги керак. Мен Усмон Азимнинг бирорта асарида роль ижро этишни жуда орзу қиламан. Унинг Миллий театрда саҳналаштирилган "Бир қадам йўл" спектаклини қайта-қайта томоша қилдим. Бахтга қарши драматург бизнинг театрга асар ёзмаяпти.

**— Ўзингиз ижро этган ролларингизни томоша қиласизми?**

— Қўрқаман. Кўрсам, камчиликларини кўриб қоламан. Шунинг учун кўрмасликка ҳаракат қиламан. Ишонасизми, йўқми, "Бозор кўрмаган йигит"ни ўн йилдан сўнг кўрганман.

**— Ҳар қандай касб эгасининг ўзи тан берган, ҳавас билан қарайдиган, ҳурмат қиладиган ҳамкасблари бўлади. Сиз бундай рўйхатга кимни лойиқ кўрган бўлардингиз?**

— Албатта, Афзал Рафиқовни. У яхши инсон ва яхши актёр. Ўзаро уйғунлашган ички ва ташқи маданияти-маънавияти унга алоҳида куч-қувват бериб туради.

**— Сизни хаёлпараст аёл ва актриса деб ҳам таърифлашаркан. Нега?**

— Хаёлпарастлик нуқсон ёки камчилик эмас. Аслида шоир, ёзувчи ва артистларнинг аксарияти хаёл суриб юради. Ҳаттоки олимлар ҳам. Кўпгина оламшумул кашфиётларнинг аввал хаёлда туғилгани бунинг яққол исботидир.

Бир куни ҳам ойлик маош, ҳам мукофот олиб, пулим кўпайиб кетди. Анчадан бери чиройли, замонавий, юмшоқ ёғоч кровать харид қилмоқчи бўлиб юрардим. Имкон туғилганидан хурсанд бўлиб мебель магазинига чопдим. Кроватни юк машинасига юкладик. Ўзим мазза қилиб кетаман деган хаёлда кроватга ётиб олдим. Шундоққина ёнимда ичига ортиб қолган пулим қўйилган китоб. Тиниқ осмонга термилиб кетаяпман. Бир пайт бошим устида пуллар айланиб-айланиб учиб, ерга туша бошлади. Ўзи бераман деса ҳеч гапмас, деб қўлимни чўзсам, пуллар менга "тутқич" бермади. Бир-икки дақиқада уларнинг ғаройиб "парвози" тўхтади. Биз уйга етиб келдик. Ҳайдовчига кира ҳақини бераман деб мундоқ қарасам, китоб ичидаги пулларим йўқ. Йўлдаёқ учиб кетиб бўлган экан... Барибир хаёл яхши нарса.

*Салкам қирқ йилдан буён бир даргоҳда хизмат қилиб, саксондан ортиқ роллар яратган ва томошабин назарига тушган, гап-сўзлари ҳалимдек мулойим, кўзлари ҳам сўзлаб тургувчи актриса, уч нафар фарзанднинг, беш нафар қизалоқнинг севимли онаси ва бувижони Доно Бобохонова билан мулоқотда бўлиш ҳеч кимга малол келмайди ва зериктирмайди.*

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**


D-AMPS GSM

UZDUNROBITA
first cellular

*Азиз ватандошлар!*
*"Уздунробита" корхонаси жамоаси сизларни Қурбон ҳайити айёми билан муборакбод этиб, саломатлик, тинчлик ва фаровонлик тилайди.*



WWW.UZDUNROBITA.UZ

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАШТИРИЛГАН



ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ**
**«ЎЗБЕКТЕАТР» ИЖОДИЙ-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ**
**ТЕАТР ИЖОДКОРЛАРИ УЮШМАСИ**
**«АРТМАДАД» МАХСУС ЖАМҒАРМАСИ**
**ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА**

«Меҳр ва мурувват йили»га бағишланган саҳна асарларининг республика очиқ танловини эълон қилади.

***Танлов муддати — 2004 йилнинг 1 майигача.***

*Танловга Мустақил Ватанимиз тинчлиги, фаровонлиги ва равнақи йўлида мамлакатимизда яшаётган барча миллат ва элатларнинг тинч-тотув ҳаёти замирида инсонларнинг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати, ватанга муҳаббат, кексаларга ҳурмат, кичикларга иззат сингари чин инсоний қадриятларни улуғловчи саҳна асарлари қабул қилинади.*

*Танловга тақдим этиладиган асарлар бир ёки бир неча муаллифлар ҳамкорлигида ёзилиши мумкин.*

*Асарлар уч нусхада машинкада (ёки компьютерда) кўчирилган бўлиб,30-40 саҳифадан ошмаслиги ва жорий йилнинг 1 майигача «Ўзбектеатр» бирлашмасига тақдим этилиши керак.*

*Танлов ғолиблари нуфузли ҳайъат аъзолари йиғилишида очиқ овоз бериш орқали аниқланади ва матбуотда эълон қилинади.*

*Танловда ғолиб топилган саҳна асарлари республика театрларида саҳналаштириш учун тавсия этилади.*

*Ғолиблар қуйидаги пул мукофотлари билан тақдирланадилар:*

- *битта биринчи ўрин —* ***300.000 (уч юз минг) сўм;***
- *битта иккинчи ўрин —* ***200.000 (икки юз минг) сўм;***
- *битта учинчи ўрин —* ***100.000 (юз минг) сўм;***
- *битта рағбатлантирувчи мукофот —* ***50.000 (эллик минг) сўм.***

*«Ўзбектеатр» ижодий-ишлаб чиқариш бирлашмаси.*

Асарлар қуйидаги манзилда қабул қилинади: Тошкент ш., М. Мусахонов к., 51-уй.

***Телефонлар: 136-38-34, 133-44-08.***


## Эъзоз

Косонсой туманидаги Худойбердиев номли ширкат хўжалиги Қўқимбой қишлоғида яшовчи кам даромадли оилалар, ёлғиз қариялар ва ўзгалар мададига муҳтож бўлган 1063 нафар кишига моддий ёрдам бериш ташаббуси билан чиқди, дея хабар беради "Туркистон-пресс" мухбири. Шунингдек, хўжалик ҳудудидаги Янгийўл, Қозоқовул маҳаллаларига тоза ичимлик суви олиб келинди. Болалар спорт иншоотлари ишга туширилди. Хўжаликда "Меҳр ва мурувват йили"да яна кўплаб тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.


**Тошкент шаҳар Муниципал биржа марказида аукцион савдосига қўйилган ҚК «Янтак-Брит» банкрот корхонасининг мулклари 2004 йил 1 февралдан бошлаб аукцион савдосидан биржа савдосига қўйилади.**

***Тошкент шаҳар Муниципал марказ биржасининг манзилгоҳи: Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уй, 402-хона.***

Маълумот учун телефонлар: 127-45-95, 133-20-74, 132-25-51.



**КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**ЎЗБЕКИСТОН БОЛАЛАР СПОРТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМҒАРМАСИ**
**НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ**

**иншоотни тўлиқ қуриб битказиш учун пудрат савдоси (тендер)ни эълон қилади.**

1. **Зарафшон шаҳар болалар спорт теннис корти.**
   ***Қурилишни тугаллаш муддати — 4 ой.***
   ***Буюртмачи — Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги кўчаси, 77-«А» уйда жойлашган Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси вилоят филиали.***

Қурилиш ишлари Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Навоий вилояти филиали ҳисобидан олиб борилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги бўш айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва устав сармоясининг миқдори, танлов объектига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар, танлов объектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган ҳажми (фоизларда).

Танлов савдоларида қатнашадиган талабгорга буюртмачи томонидан белгиланадиган бошқа талаблар ҳам қўйилиши мумкин.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — **Навоий шаҳри, С.Айний кўчаси, 32-уйда** жойлашган капитал қурилишда пудрат савдоси (тендер)ни ташкил этиш республика бошқармасининг Навоий вилояти марказига мурожаат қилиш мумкин. **Тел./факс: 225-53-85.**

***Бир тўплам (комплект) тендер ҳужжатларининг қиймати — 50000 сўм.***

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

**Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Навоий шаҳри, вилоят ҳокимлиги биносида ўтказилади.**


Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзР ФА академиги, биология фанлари доктори, профессор Талъат Соатовга волидаси

**РАҲИМА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси Бирлашган қўмитаси Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, ЎзР ФА академиги, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Абдуманноп РАҲИМЖОНОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг «Иқтисод ва бошқариш» факультети декани Баҳодир Омоновга падари бузруквори

**Омон ШОМИРЗАЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат юридик институти жамоаси факультет декани Нурмат Собуровга отаси

**Собур ЭШЁЗОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.


**«Халқ сўзи»**
**«Народное слово»**

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир**
**Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати:
**Э. БОЛИЕВ** (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
**П. ДЮГАЙ,**
**Ш. ЖАББОРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
**Л. КУЧЕРЕНКО** (масъул котиб — «Народное слово»),
**М. МИРАЛИМОВ,**
**С. МУҲИДДИНОВ,**
**Ш. РИЗАЕВ,**
**А. САИДОВ** (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
**М. САФАРОВ,**
**И. ЎТБОСАРОВ,**
**А. ҲАЙДАРОВ,**
**Ў. ҲОШИМОВ.**

**БЎЛИМЛАР:**
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92*
*Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65*
*Маънавият ва маърифат — 136-35-60;*
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;*
*Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;*
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08*
*Котибият — 133-10-28;*
*Эълонлар — 136-09-25.*

**Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 274, 31749 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор Ж. ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А.Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Дониёров.
Мусаҳҳиҳ — М. Сулаймонова.

**МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21. 00.*
1 3 4 5 6